

ТОШКЕНТ ҲАҚИЯТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Семинар

Айни пайтда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа муҳим ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни жойларга етиб боришини таъминлаш оммавий ахборот воситалари ижодкоридан тазкорлик, ҳолислик билан бир қаторда фидойилик, касбий маҳорат ҳамда тажриба талаб этади.

ДАХЛДОРЛИК — БОШ МЕЗОН

Бинобарин, бугунги шиддаткор ахборот асрининг ўзи матбуотнинг жамиятда тугган ўрни ва мавқеини оширишга қаратилган бир қатор муҳим ва устувор вазифаларни кун тартибига қўймоқда.

Бу фикрлар Бек-обод туманида вилоят босма оммавий ахборот воситалари фаолиятига бағишланган анъанавий семинарда алоҳида таъкидланди.

Давоми 2-бетда. ➡

Фармон ва ижро

Мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган кенг қўллади ислохотлар, аввало, демократик-ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашга қаратилган.

ОРЗУЛАР УШАЛГАН КУН

Давлатимиз раҳбарининг фуқаролик беришга доир қатор фармонлари ҳам Ўзбекистонни ўз Ватани билиб, унинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшиб келаётган инсонларнинг манфаатларини назарда тутди.

Вилоят ҳокимлигида навбатдаги 25 кишига фуқаролик паспортини топишириш маросими бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими Шукрулло Бобоев сўзга чиқиб, бугун шундай мақомага эга бўлган барча фуқароларни табриклади. Ушбу муҳим ҳужжат уларга юртимизнинг барча фуқаролари сингари тенг ҳуқуқлиқ имкониятини беришини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 22-банди, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Қонунининг 17, 30-моддаларига мувофиқ ушбу шахсларнинг аризалари қаноатлантирилди.

Жумладан, 29 йилдан буён Янгийўл туманидаги 34-умумтаълим мактабда фаолият юритаётган Клара Чибинтаева-нинг ҳаётида ҳам анчадан бери орзиқиб кутаётган муҳим воқеа содир бўлди. У кўплар қатори Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспортини олишга муваффақ бўлди.

Бугун ҳаётимдаги энг унутилмас кун, — дей-

ЭЗГУ АНЪАНАЛАР, БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР НАМОЙИШИ

«Улкан Тўйтепа»да улкан шодиёнага айланди

Ўтмиши улуг, келажаги буюк Ўзбекистонимиз тарихи қатларида не-не сир-синоатлар яширин. Истиклол шарофати билан тарихимизнинг дунё тамаддунига дахлдор кўпгина саҳифалари юз очди. Қадимий Шош, Илоқ, Қанқа, Шохрухия, Бинкат, Банокат каби вилоятимиз ўтмишидан сўзловчи шаҳарлар ҳақида энди яхшигина таассуротга эгамиз. Улар қаторида ҳозирги Ўрта Чирчиқ тумани марказининг шимолий-ғарбий томонидаги Улкан Тўйтепа шаҳри ҳам бор.

«Илоқ» этнографик фестивали



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Маълумотларга қараганда, қарийб 180 гектар майдонни эгаллаган Улкан Тўйтепа ҳам ўз даврида иқтисодий, маданияти ривожланган шахристон сифатида кўпларнинг эътиборини тортган.

Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси,

маданият бошқармаси, Маънавият тарғибот маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган "Илоқ" этнографик фестивали қадимий Илоқ давлатининг марказий шаҳарларида бири — Улкан Тўйтепада ўтказилиши бежиз эмас.

Эрта тонгдан Улкан Тўйтепа археологик ёдгорлиги ҳудуди фестивал ишти-

рокчилари билан гавжум бўлди. Тепаликнинг ўзига хос байрамона кўриниши, безаклари, Ватанимиз байроқларининг ҳилпираб туриши қалбга ғурур, сурур бағишлайди. Республика Давлат кўғирчоқ театри жамоасининг миллий либослардаги кўғирчоқ-персонажлари, вилоятимизнинг бир қатор фольклор-этнографик жамоалари, халқ мақом дасталари, болалар ансамбллари аъзоларининг байрамона либослари, куй-қўшиқ, лапарлари кўзни қувнатиб, дилларни яйратади. Бу бетақор манзара томошабинларга олам-олам қувонч бахш этди.

Фестивални вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева очар экан, бу каби тадбирлар юртимизда яшаб, меҳнат қилаётган кўп миллатли халқимиз тарихи, маданияти, анъаналари қадриятларини, шунингдек, тарихий-маданий меросимизга бўлган эътиборнинг тобора ортиб бораётганини намоён этишга ҳамда давлат органлари ва нодавлат нотихорат ташкилотлар ҳамкорлигини янада ривожлантираётганини таъкидлади.

Давоми 2-бетда. ➡

ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ — АСОСИЙ ВАЗИФА

Ўрта Чирчиқ туманида вилоятда ФВДТнинг ҳудудий органлари, куч ва воситалари билан ўтказилаётган ҳамкорликдаги кўмондонлик-штаб ўқув-машгулотлари бошланди.

Ўқув-машқи

Ушбу ўқув-машгулот аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, табиий офатлар юз берганда жабрланганларни эвакуация қилиш, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш, қутқарув ва бошқа кечиктирилб бўлмайдиган вазифаларни бажаришда моддий-техник таъминот масалаларини қисқа вақт ичида ҳал этиш, шунингдек, ташкилотлар, идора ва корхоналарнинг фуқаро муҳофазаси бўйича тайёргарлигини янада ошириш мақсадида ташкил этилди.

23-25 май кунлари давом этаётган ўқув-машгулотларнинг биринчи кунинда зилзила оқибатларини бартараф этиш, эвакуация комиссияси ҳамда йиғув пунктлари ишини ташкил қилиш ва қўчириб келинган аҳолини жойлаштириш каби амалий машқлар бажарилди.

Шунингдек, фавқулодда вазиятлар содир

қандай вазиятда ҳам барқарор фаолият олиб боришини таъминлаш юзасидан корхона, ташкилот ва ўқув муассасаларида кўргазмалар махсус-тактик ўқув-машқлари олиб борилади.

Таъкидлаш жоизки, фавқулодда вазиятлар оқибатларини енгилаштириш ёки бартараф этиш аҳоли кенг қатламнинг тайёргарлиги даражаси билан узвий боғланган. Юзага келиши мумкин бўлган экстремал вазият-

ларда тўғри ҳаракатлана олиш, тезкор қарор қабул қилиш, мустақил фикрлаш ҳамда жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш кўплаб инсонларнинг ҳаётини сақлашда, талафотларнинг олди олинишида энг муҳим омиллар саналади.

Тадбирда вилоят ҳокими, фуқаро муҳофазаси бошлиғи Шукрулло Бобоев иштирок этди.

Ўз муҳбиримиз.

Қобилжон ГОФУРОВ

олган сурат.



Пайшанба — жиноatchиликнинг олдини олиш ва профилактика кун

ХОЛИС ТАНҚИД, ЧУҚУР ТАҲЛИЛ, АНИҚ ТАКЛИФЛАР

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳузуридаги Ички ишлар органларининг жиноatchиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолияти устидан парламент ва жамоatchилик назоратини амалга ошириш бўйича комиссияси ҳамда ҳудудий комиссия томонидан вилоятнинг барча шаҳар ва туман ички ишлар бўлиmlарининг фаолияти ўрганилди.

Халқ депутатлари Оҳангарон тумани кенгашининг навбатдаги сессияси айнан мана шу ўрганишлар муҳокамасига бағишланди. Депутатлар туман ички ишлар органларининг жиноatchиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолиятини ўрганиш яқунлари тўғрисидаги

масалани кўриб чиқдилар.

Қайд этилганидек, туман ички ишлар бўлими тизимидаги айрим таянч пунктлари бинолари ҳанузгача маҳаллий ҳокимият тасарруфига ўтказилмаган. Мавжуд таянч пунктларининг кўпчилиги бир хонадан иборат бўлиб, у ерда профилактика инспектори фаолияти

учун етарли шароит яратилмаган. Фаолиятдаги профилактика инспекторларининг айримлари жиноatchиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини самарали амалга ошириш учун талаб этиладиган зарур касбий билим ва тайёргарликка эга эмас. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ, уларнинг уч йилда камида бир маротаба малака оширишлари белгиланган бўлсада, бу жиҳатга тўлиқ риоя қилинмапти. Сессияда таянч пунктлари профилактика инспекторлари-

нинг маҳалла фуқаролар йиғинлари ва улар ҳузуридаги жамоatchилик тузилмалари билан ҳамкорлиги борасидаги камчиликлар рўй-рост айтилди. Хусусан, профилактика ҳисобида ва маъмурий назоратда турган шахслар билан етарли даражада иш олиб борилмапти. Маҳалла фуқаролар йиғинлари ўз ҳудудида содир этилган жиноatchилар юзасидан ички ишлар ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан келиб тушаётган тақдирномалар бўйича муҳокама тарзидаги йиғилишлар ўтказиш билангина чекланмоқда-

лар. Бу жараёнда "Маҳалла посбони" жамоatchилик тузилмаси фаолияти ҳам камчиликлардан ҳоли эмас. Тўғри, тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, корхона ва ташкилотларга содир этилган жиноatchиларнинг сабаблари ва уларга йўл берган омилларни бартараф этиш мақсадида жами 92 та тақдирнома киритилган. Афсуски, уларнинг 10 фоизидан ортиғи умуман қўрилмаган. Мазкур фактнинг ўзи ҳам ички ишлар органлари ходимлари билан жамоatchи ва давлат ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш лозимлигини кўрсатиб турибди.

Давоми 2-бетда. ➡

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва хунарамандлар ўртасида ўтказилаётган "Ташаббус — 2017" кўрик-танловининг республика босқичи ғолиб ва совриндорлари номи эълон қилинди.



ЗАНГИОТАЛИК ТАДБИРКОР ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИГА ЭГА БЎЛДИ

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти юксалишида хусусий секторнинг бекиёс улуши бор. 1996 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур танлов юртдошларимизнинг тадбиркорлик салоҳиятини юзага чиқариш, уларнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш, соҳалараро кооперация алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Натижада, кичик бизнес субъектларининг ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, экспорт ҳажминини ошириш, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлашдаги улуши йил сайин ортиб бораёпти. Улар томонидан таклиф этилаётган маҳсулотлар эса ўзининг сифат кўрсаткичлари бўйича хориз

маҳсулотлари билан бемалол рақобатга кириша олади.

Вилоят иқтисодиётининг йирик саноат корхоналарига боғланиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида, ташкил бозор конъюктурасига тез мослашиб кета оладиган, ишлаб чиқариш профилини талабга қараб тезда ўзгартира оладиган кичик саноат корхоналарини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда, Чирчиқ шаҳри, Бўка, Ўрта Чирчиқ, Қўйи Чирчиқ ва Чиноз туманларида кичик саноат зоналарини ташкил этиш бўйича ишлар бошланган. Бугунги кунда вилоятда 23 минг 700 дан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда.

Давоми 3-бетда. ➡

Ўрта Чирчиқ туманида академик лицей ва касб-хунаро коллежлари ўқувчилари ўртасида Жиззахда ўтказилаётган "Баркамол авлод — 2017" да Тошкент вилояти шарафини ҳимоя қилаётган спортчиларни мусобақанинг финал босқичига кузатиш маросими бўлиб ўтди.



ЭЪТИБОР ВА ФАМХЎРЛИК ГАЛАБАГА УНДАЙДИ

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда йўлга қўйилган таълим соҳасидаги уч босқичли узлуксиз спорт тизими — "Умид нихоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" мусобақалари ёшларни жисмон соғлом, маънави етук қилиб тарбиялаш билан бирга, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини эгаллаши, Ватан тараққиётига қамарбаста инсонлар бўлиб вояга етишига хизмат қилаётганини алоҳида таъкидладилар. Спортнинг ўн етти

тури — енгил атлетика, бадий гимнастика, футбол, баскетбол, гандбол, волейбол, эркин ва юнон-рум курашлари, сузиш, бокс, оғир атлетика, дзюдо, стол тенниси, теннис, бадминтон, шахмат ва таэквондо (WTF) бўйича ўтказилаётган республика мусобақаларида мураккаб саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган вилоятимизнинг 47 нафар спортчиси иштирок этади.

Давоми 2-бетда. ➡





ДАХЛДОРЛИК – БОШ МЕЗОН

“Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни” мавзусидаги анжуман вилоят ҳокимлиги, Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан Журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда вилоят, туман ва шаҳарлар ижтимоий-сиёсий газеталари муҳаррирлари, ижодий ва техник ходимлари, соҳа мутахассис ва экспертлари иштирок этишди.

Семинарда сўзга чиққан вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи З. Эралиева, “Тошкент ҳақиқати” ва “Ташкентская правда” газеталари бош муҳаррири вазиасини бажарувчи Ф. Шералиев, “Оҳангарон ҳаёти” газетаси муҳаррири Б. Қобулов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида соҳа ривожига қаратилаётган эътибор, қабул қилинаётган қонунлар ва уларнинг моҳияти ҳақида сўз юритиб, Ҳаракатлар стратегияси орқали ҳаётга татбиқ этилаётган янгиланиш жараёнининг вилоят матбуотидаги ифодасини атрофлича таҳлил қилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича Тошкент вилояти идораларига комиссияси 2017-2018 йилларга мўлжалланган дастурдан келиб чиқиб, вилоят ОАВ зиммасидаги вазифаларга тўхталиб ўтилди. Шунингдек, анжуманда Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети доценти Ш. Миралимов, юридик фанлар номзоди М. Ҳалиловнинг журналистлар касб маҳоратини ошириш, тизимда устоз ва шогирдлик аъёналаридан кенг фойдаланиш, тахририятлар фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг ҳуқуқий механизми хусусида атрофлича фикр юритиб, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга муфассал жавоб қайтарди.

Ўз муҳбирими.
Нодирбек ТОҲИРОВ олган сурат.

Фалла – 2017

Мўл-қўл дон халқимиз дастурхони тўқинлиги рамзи. Бунда деҳқонларимизнинг машаққатли меҳнати, уйқусиз тунлари зоҳир, десак муболаға бўлмайди.

ЭКИН ДЕҲҚОН МЕҲРИДАН ЯШНАЙДИ

Барча жойда бўлгани каби вилоятимизда ҳам айни кунларда ризқ-рўзимиз ҳисобланмиш галла парвариши қизгин паллага кирган. Далаларимизда беравж ривожланаётган – бошоқлари пишиб етилаётган галлазорлар кўзни қувонтиради, бошқача айтганда, эртанги мўл ҳосилдан дарак бераётгандек, гўё.

Маълумотларга кўра, вилоятимизда 2017 йил ҳосили учун 130 минг 580 гектар ерда галланинг “Гром”, “Таня” ва бошқа навлари экилган. Унинг 120 минг 900 гектари сувли, қолган қисми лалми майдонларга тўғри келади.

Захматли меҳнат эвазига етиштирилаётган ҳосилни қисқа муддатларда, сифатли ўриш ва ташвиш муҳим вазифа ҳисобланади. Буни яхши англаган мутасадди ва галлакорларимиз жорий ўрим-йғим мавсумига пухта тараддул кўрмоқда.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан маълум қилинишича, шу кунларда бир юз элликдан ортиқ ўрим отрядлари шакллантирилмоқда. Уларнинг таркибига 280 та юқори унумли комбайн, ўрилган донни ташвиш учун 1 минг 800 дан кўпроқ транспорт воситалари – автобуслар, тракторлар, тиркамалар, 123 та қўчма устухона ва 125 та ёқилги ташвиш воситалари бириктирилаётди.

Чиноз туманида бу йил 7 минг 800 гектар ерда

ЭЪТИБОР ВА ҒАМҲЎРЛИК ҒАЛАБАГА УНДАЙДИ

– “Баркамол авлод” спорт ўйинлари биз учун ўзига хос кичик Олимпиада ҳисобланади, – дейди вилоятимиз терма жамоаси аъзоси, оғир атлетика бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Жаҳон ҳамда Осиё чемпиони Адхамжон Эргашев. – Бугунги тадбир руҳимизни, кайфиятимизни бекиёс кўтарди.

Бошланғичи 1-бета.

Бундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан Жиззахда бўладиган мусобақаларда муносиб иштирок этишга ҳаракат қиламиз.

Тўқин дастурхон атрофида жамул-жам бўлган вакилларимиз вилоят ҳокими Шукрулло Бобоевнинг самимий қутловини тинглаб, билдирилган ишончдан руҳий қувват ва илҳом олдилар. Шунинг-

дек, иштирокчиларнинг ҳар бирига вилоят ҳокимининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Тадбир таниқли санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқ ва рақслар билан якунланди.

Зоҳир
ТОШҲЎЖАЕВ,
“Тошкент ҳақиқати”
муҳбири.
Мансур
ҲИММАТОВ
олган сурат.



Ижтимоий ҲИМОЯ

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, жамиятда ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, бағрикенглик ва хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар фарзандларининг никоҳ тўйларини ўтказмоқда.

БАХТ ОШИЁНИ

Бўқа туманидаги “Райхон” тантаналар уйида Пискент, Бўқа, Бекобод туманларидан 15 жуфт келин-куёвларнинг никоҳ тўйлари бўлиб ўтди. Тантанали тадбирни Бўқа тумани ҳокими Худойберди Холбоев очиб, ёшларни бахт тўйлари билан қутлади.

Никоҳ тўйида келин-куёвларнинг ота-оналари, маҳалла фаоллари, фахрийлар, эл орасида обрў-эътиборга эга отахону онахонлар, жамоатчилик вакиллари ва ёшлар иштирок этди.

Ҳар келин-куёвга Президент совғаси – замонавий ётоқхона мебеллари тўплами, никоҳ узуклари, тўйга муносиб миллий либос ва сарполар ҳадя этилди.

Никоҳ тўйида эл севган санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар даврага ўзгача файз бағишлади.

Гулжаҳон ЁМҒУРОВА.

ТОЙЧОҚ БЎЛИБ ЧОПИБ ЮРГАН ТҶЙБОЛА...

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йиллигини ҳосияти билан ҳаётимиз тинч, турмушимиз янада фаровонлашиб бормоқда.

Президентимиз таъбири билан айтганда, энг аввал эътиборга, ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳар бир кишининг кўнгилни кўтариш, моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган эзгу амаллар изчил давом этирилмоқда. Шундай хайр-саховат тадбирлари тўғрисида қанча-қанча кўнгилларда эзгулик чирроғи ёнди. Ҳар томонлама соғлом, мустаҳкам

оилалар қурилди, минглаб болажонлар муқаддас фарз адосидан комиллик йўлига чиқдилар. Юртимиз бўйлаб давом этаётган шодиёналарга никоҳ ва суннат тўйлари уланиб, эл-юрт дуосидан эзгулик ниҳоллари унмоқда.

Ўрта Чирчиқ туманидаги “Хумо” тантаналар уйида ўтказилган шодиёнада ҳам вилоятимизнинг Оқкўрғон, Юқори Чирчиқ,



Ҳақиқатан ҳам, халқимизнинг миллий қадриятларини, санъат, маданият, хунармандчилик борасидаги бетақдор иқтидорни, қобилиятини намойиш этишда муҳим аҳамият касб этган ушбу фестивал иштирокчилари ҳақида узок сўзлаш мумкин. Улардан бири, Бекобод туманилик хунарманд Ортиғой Хў-

жамқулова. У тўқиган гилам, кигиз, шолча, отулов эгар-жабдуқларининг зарур қисмлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

– Мен бу хунарни онам Холбидан ўрганганман, – дейди у. – Энди қизим, келиним ва олти шогирдимга ўргатаман. Миллий руҳда тўқилган гиламларимизга, ҳатто, чет элликлар ҳам қизиқибди.

Ўрта чирчиқлик Маҳфуза Исоқова, Маърифат Боймуродова тиккан

Бошланғичи 1-бета.

нақшли палаклар, ангрелик хунарманд Моҳир Маюсуповнинг миллий либослари ҳам барчанинг эътиборини тортди.

Шунингдек, Республи-

янгийўл туманларидан, шунингдек, Ўрта Чирчиқдан келган болажонларга тўй бола либоси кийдирилди. Болажонларнинг шодон кулгулари, санъаткорлар ижросидаги дилрабо куй-қўшиқлар тантанга янада файз, иштирокчиларга завқ-шавқ бағишлади.

– Бугунги тўй-томоша бизларга атаб ўтказилаётганидан жуда хурсандман, – дейди янгийўллик Рустам Ўразалиев. – Мен бекасман тўн, дўппи кийиб, тўй бола бўлишни жуда-жуда орзиқиб кутганим. Орузларим ушалди. Кўпгина тенгдошларим билан дўстлашдим... Келажакда Ватанимга муносиб фарзанд бўлишга аҳд қилганман.

Сайёра ЭШМАТОВА.

Мансур ХИММАТОВ
олган сурат.

фишлади. Иштирокчилар ташкилотларнинг диплом, фахрий ёрлиқ ва китоблари билан тақдирланишди.

– Бугунги фестивал барча иштирокчилар, айниқса, ёшлар, болажонлар қалбига Ватанга муҳаббат, аждодларимизга ҳурмат, миллий қадриятларимизга

ЭЗГУ АНЪАНАЛАР, БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР НАМОЙИШИ

«Улкан Тўй»да улкан шодиёнага айланди

ка Давлат қўғирчоқ театрининг “Карвонсарой” спектакли, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Топиллат Матқаримов бошчилигидаги “Курама оҳанглари”, шунингдек, “Дугоҳ” халқ мақом дастаси, “Тўғрай”, “Шош наволари”, “Фариша” фольклор-этнографик жамоалари, “Паркент гуллари”, “Паркент чашмаси” ва “Орзу”, “Нармин”, “Одарёнинг дони” ансамблларининг чиқишлари фестивалга алоҳида файз, томошабинларга завқ-шавқ ба-

меҳр-муҳаббат туйғусини шакллантириши шубҳасиз, – дейди “Нармин” болалар рақс дастаси раҳбари Нарғиза Шодибекова. – Дастамиз аъзолари миллий либосларда яйраб-яшнаб рақс тушганларида қалбим завқ-шавққа тўлади. Шундай шодиёналар бизнинг озод дёғиримиз, мустақил Ўзбекистонимиздаги тинч, ошайишта, фаровон ҳаёт туйғуланди.

Сайёра РИХСИЕВА,
“Тошкент ҳақиқати”
муҳбири.

Пайшанба – жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика кун

ХОЛИС ТАНКИД, ЧУҚУР ТАҲЛИЛ, АНИҚ ТАКЛИФЛАР

Туманда жорий йилнинг ўтган даврида тергов қилинб, судга юборилган жиноят ишларининг сабаблари атрофлича таҳлил қилинди. Уларнинг ярмидан кўпи фуқароларнинг ҳеч қаерда ишлагани бўлмаганидан кўйишларига ва назоратсизлик, 10 фоизи эҳтиётсизлик, 6,1 фоизи таълим муассасалари ва ота-оналарнинг бефарқлиги, яна шунча қисми профилактика инспекторларининг масъулиятсизлиги оқибатида юз бергани қайд қилинди.

Йилгиликда асосий эътибор воқеа етмаган ва ёшлар ўртасидаги жиноятларнинг сабабларини ўрганишга қаратилди. Мазкур масалани муҳокама қилиш чоғида тумандаги касб-хунар коллежлари фаолияти танқид қилинди. Ўқувчиларнинг дарс машғулотидаги қатнашиш бўйича даволатлари Охан-

гарон педагогика ва ижтимоий иқтисодиёт коллежидан 67,3 фоизни, агросаноат ва иқтисодиёт касб-хунар коллежидан 80,9 фоизни ташкил этмоқда. Коллежларда мунтазам равишда машғулотларга келмайдиган ўқувчилар рўйхати аниқ ва тўлиқ шакллантирилмаган. Улар билан ишладда мунтазамлик ва изчиллик етишмади. 2016-2017 ўқув йилида коллеж ўқувчилари 7 та жиноятга қўл урғанилар. Уларнинг 5 таси Охангарон санат касб-хунар коллежи ўқувчилари томонидан содир этилганлиги, айниқса, ачинарлидир.

Касб-хунар коллежлари ўқувчилари орасида олиб борилаётган тарбиявий, маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлиги паст. Ўқувчиларнинг китобхонлик даражаси ҳақинқадар. Коллежларнинг ахборот-ресурс марказларида 11 мингдан ортиқ

бадий адабиётлар мавжуд бўлсада, сўнгги бир ой ичида жами коллеж ўқувчиларининг фақат 654 нафари ёки 22 фоизи кутубхонадан бадий китоб олиб ўқиганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Нурулод энергетика касб-хунар коллежидан бу кўрсаткич 12 фоизни, политехника касб-хунар коллежидан эса 15 фоизни ташкил этади.

Депутатлар туман бандликка кўмаклашиш маркази фаолиятини ҳам кескин танқид қилдилар. Марказнинг коллеж битирувчиларини, ҳарбий хизматни ўтаб келганларни, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келганларни иш билан таъминлаш борасидаги фаолиятини талаб даражасида, деб бўлмади.

– Бугунги сессиямиз ҳар қачонгидан ҳам ишчан руҳда ўтди, – дейди туман кен-

Шукроналик

Жонажон диёғиримизга саодат асридан буён мусулмонлар алоҳида аҳамият билан кутиб оладиган муборак Рамазон ойи ташриф бурмоқда.

МУБОРАК ОЙНИНГ ХОСИЯТЛИ ҚАДАМЛАРИ

Мухтарам Президентимизнинг “Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги Қарорида азалдан эзгулик, саховат, меҳр-шафқат рамзи бўлиб келаётган муборак Рамазон ойининг маънавий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб, юртимизда меҳр-оқибат, аҳиллик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, диний-маърифий қадриятларимизни асраб-авайлаш мақсадида ушбу ойни жойларда миллий аънава ва қадриятларимизга уйғун ҳолда ўтказиш тавсия этилди.

Бу бежиз эмас. Мусулмон кишининг йил давомида адо этиб юрган яхши амаллари билан-билмай қилган гуноҳларини юзиб туради. Булардан ҳам ортиб қолган гуноҳлари бўлса, муборак ойда рўза тутиш билан кетказилади. Рамазон кунлари мусулмонлар ўз оиласи ва қариндош-уруғларига, маҳалласидаги бева-бечораларга, ёлғиз қарияларга қўлларидан келганича, моддий ёрдам берадилар. Беморларни бориб кўрадилар. Чунки бу, айниқса, ушбу муборак ойда кўп савоб бўладиган амаллардир.

Кундузлари рўздорлик билан ўтадиган бу муборак ойнинг фазли, меҳр-мурувват ва яхшилик ойи бўлиб, унда қилинадиган ҳар қандай яхшиликлар, меҳру оқибатлар, эҳсон садақотлардан келажак савоблар ҳам берадирлидир. Рўза инсон тарбияси учун муҳим дастур ҳисобланади. Яъни, рўза сабабидан ҳаёт тарзисини тўғрилаб, нафсимизни жиловлаб оламиз. Бунинг натижасида эса гуноҳ-маъсиятлардан узоқлашамиз. Аслида маъсиятлар нафсининг бирор нарсасига қучли хоҳишдан келиб чиқади. Рўза айнан ана шу нафсининг қучли хоҳишини сусайтиради.

Бу ойда қилган хайру саховатимиз, оила, қавму қариндош, қўни-қўшиларга кўрсатган меҳрибончилигимиз ва холис қилган дуоларимизнинг ажру мукофотлари катта бўлади. Муҳими, инсон Рамазондан кейин ҳам бу ҳало-

ватни қўлдан бермасликка ҳаракат қилади. Рамазоннинг ҳикмати айнан шунда намоён бўлади. Аслида, мусулмон кишидан Рамазон ойидагина эмас, балки бутун ҳаёти давомида нафси амморасини тия билиш талаб этилади. Шу маънода, мазкур ой инсон ҳар жиҳатдан ўзини тийиши борасида мустаҳкам кўникма ҳосил қилиши учун айни муддао фурсатдир.

Рамазон ойининг улуғлиги ва фазлидан, ҳар бир эзгу ишга бериладиган ажру мукофотлар борақотидан умид қилиб, яқин қўшиларимиз, қариндош-уруғларимиз орасида моддий-маънавий кўмакка муҳтожлар бўлса, шуларни қўллаб-қувватлаш ҳам диний, ҳам дунёвий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлади.

Бир Ҳадиси шарифда “Кимки бир рўздорга ифторлик қилиб берса, унга ҳам рўза савоби берилур”, дейилади. Лекин бу ерда рўза тутиб, ифторликка ёғулик тополмайдиган рўздорлар кўзда тутилган. Бизда эса, ифторликларга кўпинча, ўзига тўқ, бой одамлар тақлиф қилинади. Бунинг устига ўз уйида ихчам қилиб ўтказиш ўрнига кафе ва тўйхоналарда худди шодиёна тўй маросимлари каби ўтказилиши нафақат диний, балки одамийлик чегарасидан чиқиб кетишга олиб келмоқда. “Еб-ичингллар, лекин исроф қилманглар!”, деган таълимотга ҳилоф равишда одатга айланиб бораётган мазкур тадбирларга ўз вақтида чек қўйиш учун Рамазон ойида ифторлик маросимларини исрофгарчиликка йўл қўймай, хонадонларда ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бу ойнинг ҳар дақиқасини ганимат билайлик. Давлатимиз раҳбарининг Қарорида таъкидланганидек, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва ошойишталик, хонадонларимиздаги қўн-барақага шукроналар келтириб яшайлик.

Раҳматуллоҳ
САЙФУДИНОВ,
“Мирза-Юсуф” жоме
масжиди имом-хатиби.

2017
йилнинг
иккинчи
ярми учун
«Тошкент
ҳақиқати»
ва
«Ташкентская
правда»
газета-
ларига
обуна
давом
этомқда!

Алишер РАҲМАТОВ,
“Тошкент ҳақиқати”
муҳбири.

Ташкент вилояти, Зангиотуа тумани СИБ томонидан хатланган, Зангиотуа тумани, "Кутерак Матлубот Инвест" МЧЖ омборхонасида сақланаятган, 2015 йил 28 май куниндаги 1-200/15-сонли ҳамда 9592/24-сонли ихро ҳужжатларига асосан, бошлангич баҳоси - 12 338 000 сўм, 2011 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10J769FA бўлган "ГБА СПГ Нексия-Донс" русумли;

Ташкент вилояти, Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан хатланган, Бўстонлиқ тумани, Фазалкент-2, "Мариам Текстиль Сервис" МЧЖда сақланаятган, 2016 йил 6 декабр

учун талабгорлар савдо ташкилоти-чиси билан тузиладиган закалат-келишувига асосан, мулк бошлан-чиг баҳосининг 10 фоиздан кам-бўлмаган миқдордаги закалат пу-лини тўлов ҳужжатида ихро ҳуж-жати рақами ва санасини кўрсат-ган ҳолда "AUTO MEGA TRADE" МЧЖ нинг АЙТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги куйидаги хисоб рақамини тўлашлари шарт:

20208000900603278001, МФО 01101, ИНН 303877274.

Манзил: Ташкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 16-А уй.
Тел.: (0371) 239-29-40. Сайт: www.automegatrade.uz

Офарин!

Бокс бўйича Олимпия ўйинлари ғолиби, бекободлик Фазлиддин Ғоибназаров профессионал боксдаги галабалари билан ҳам мухлисларни хушнуд этиб, мутахассислар ишончини оқламоқда.

АМЕРИКАЛИК БОКСЧИ ФАЗЛИДДИНГА ТАН БЕРДИ

Бу йилдан эътиборан профессионал боксчилар ўртасидаги беллашувларда ишторак этаётган ҳамюртимиз иккинчи жангини ўтказди. АҚШнинг Нью-Йорк шаҳридаги машҳур "Madison Square Garden" мажмуасида ташкил этилган бокс турнирида Фазлиддин америкалик Агустин Маурас билан куч синашди.

Бу галги рақиб профессионал рингда ўн битта жанг ўтказиб, катта тажриба тўплаган бўлса-да, ҳамюртимизга бас келолмади. Саккиз раундлик рейтинг жангида зарбалар ҳисоб-китоби билан шугулланган ҳакамлар ҳар бир раунд бекободлик боксчининг устунлигида ўтганини эътироф этди ва оқолар ҳисобидаги галаба ҳақли равишда Фазлиддинга берилди.

Халқаро майдонларда юртимиз шарафини ҳимоя қилиш биз, спортчилар

учун катта масъулиятдир, дейди Фазлиддин. – Галабаларим билан ўзбекистонлик мухлисларни хушнуд этаётганимдан ўзимни бахтиёр ҳис қиламан. Бўлажак мусобақаларда ҳам фақат галаба учун рингга чиқаман. Насиб қилса, профессионал боксда Жаҳон чемпионлигини қўлга киритиб, юртимиз байроғини баланд қўтараман.

Фазлиддин Ғоибназаров ҳаваскор боксчилар ўртасида Олимпия ўйинлари чемпиони, жаҳон ва Осиё чемпионатлари кумуш медал соҳибдори бўлган. Нуфузли мусобақаларда ўз ютуқлари билан Ватан обрўсини, шони ва шуҳратини улуғлагани учун боксчимиз "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони билан тақдирланган.

Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.



Мансур ХИММАТОВ олган сурат.

Қадрли опа-сингиллар, азиз ёшлар!

Тошкент вилояти ҳокимлиги Хотин-қизлар қўмитаси қошида муаммолари мавжуд, қийин аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар ва ёшлар учун

«ИЖТИМОЙ МАСЛАҲАТ МАРКАЗИ» (АНОНИМ)

иш бошлаганини маълум қиламиз.

Хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида маънавий муҳитни соғломлаштириш, уларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, маънавий қўллаб-қувватлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, ижтимоий хавфли бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-маданий ҳаётда тўлақонли иштирокини таъминлашга қўмаклашиш Марказнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Марказда ҳар куни (якшанбадан таш-

қари) соат 9.00 дан 18.00 гача турмушнинг чигал ва муаммолари вазиятларига тушиб қолган хотин-қизлар ва ёшларнинг муносабат қилишлари учун "Ишонч телефони" ташкил этилган.

Мурожаат қилувчининг шахсий маълумотлари сир сақланиши кафолатланади.

Унутманг, Сиз ҳамиша эътибор ва ардоғимиздасиз!
"Ижтимоий маслаҳат маркази"нинг
Ишонч телефони: 232-80-75.

ҚУЛУПНАЙГА ТОБИНГИЗ ҚАЛАЙ?

Юртимизда пишиқчилик мавсуми. Бозор ёки савдо расталарида, айниқса, қулупнайнинг ҳиди димогимизга хуш ёқади. Аммо, "Қулуп-

найни кўп истеъмол қилиш мижозга таъсир ўтказиб, уйкуга сабаб бўлади", деган гапларни ҳам эшитганмиз.

Дарвоқе

Хўш, аслида қулупнайнинг организмга таъсири қандай?

Ўтказилган илмий тадқиқотлар кўнига бир пиёла қулупнай истеъмол қилиш саратоннинг олдини олишини кўрсатди. Шунингдек, тажрибалар мобайнида беш ҳафта давомида қулупнай истеъмол қилган беморларда шишларнинг ўсиши тўхтаб, кичрайгани

маълум бўлди. Бунга сабаб, қулупнай таркибидаги фенол компонентларининг организм фаолиятига ижобий таъсир кўрсатишидир. Қулупнай истеъмол қилганда организмда ажралдиган шарбат таъсирида саратон хужайраларининг биологик ўсиш ва тарқалиш жараёнига чек қўйилади. Касалликнинг қучайишига сабаб

бўлувчи бир қанча генлар фаоллиги сусаяди.

Аммо, меъда-ичак тизими билан боғлиқ муаммолари бор инсонларга қулупнай истеъмол қилиш тавсия қилинмайди. Чунки, қулупнай таркибидаги мева кислоталари мазкур касалликлар хуружига сабаб бўлиши мумкин.

Гўзал АБДУҒАНИЕВА
тайёрлади.

Хурматли китобсеварлар!

Республикаимиз аҳолиси, айниқса, ёш авлоднинг маънавий ва интеллектуал эҳтиёжини қондиришда китобнинг ўрни ҳамда аҳамиятини янада ошириш мақсадида вилоят ҳокимлиги, Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда 2017 йил 24 май куни соат 10.00 да Бўстонлиқ туманидаги «Боғи Эрам» маданият ва истироҳат боғида

«Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» шиори остида анъанавий

«Китоб байрами» ўтказилади.

Мазкур тадбирдан адабий-бадий, ижтимоий-сиёсий ҳамда энциклопедик йўналишдаги китоблар тақдими, ношир ва муаллифлар, адиблар ҳамда шоирлар, китоб графикаси рассомларининг китобхоналар билан бевосита ижодий учрашув-мулоқотлари, мушоиралар ўрин олган.

Барча китобсеварларни «Китоб байрами»га таклиф этамиз.

Маълумот учун телефон: (0-371) 233-68-25.



Рамазон тақвими

1438-ҳижрий
йил

Ҳижрий сана	Мелодий сана	Ҳафта кун	Саҳар	Ифтор
1	27.05.2017	Шанба	3:25	19:47
2	28.05.2017	Якшанба	3:24	19:48
3	29.05.2017	Душанба	3:24	19:48
4	30.05.2017	Сешанба	3:23	19:49
5	31.05.2017	Чоршанба	3:22	19:50
6	01.06.2017	Пайшанба	3:22	19:51
7	02.06.2017	Жума	3:22	19:51
8	03.06.2017	Шанба	3:21	19:52
9	04.06.2017	Якшанба	3:21	19:53
10	05.06.2017	Душанба	3:20	19:53
11	06.06.2017	Сешанба	3:20	19:54
12	07.06.2017	Чоршанба	3:20	19:55
13	08.06.2017	Пайшанба	3:20	19:55
14	09.06.2017	Жума	3:19	19:56
15	10.06.2017	Шанба	3:19	19:56
16	11.06.2017	Якшанба	3:19	19:57
17	12.06.2017	Душанба	3:19	19:57
18	13.06.2017	Сешанба	3:19	19:58
19	14.06.2017	Чоршанба	3:19	19:58
20	15.06.2017	Пайшанба	3:19	19:59
21	16.06.2017	Жума	3:19	19:59
22	17.06.2017	Шанба	3:19	19:59
23	18.06.2017	Якшанба	3:19	20:00
24	19.06.2017	Душанба	3:19	20:00
25	20.06.2017	Сешанба	3:19	20:00
26	21.06.2017	Чоршанба	3:20	20:01
27	22.06.2017	Пайшанба	3:20	20:01
28	23.06.2017	Жума	3:20	20:01
29	24.06.2017	Шанба	3:20	20:01
30	25.06.2017	Якшанба	3:21	20:01

«AGRO BIO PRODUCTS» MCHJ жамоаси

Азиз юртдошларимизни
яқинлашиб келаётган
муборақ Рамазон ойи
билан қутлайди.

Эл-юртимиз учун азалдан эзгулик,
саховат, меҳр-шафқат рамзи
бўлмиш ушбу қутлуғ ойда

Аллоҳ таоло юртимиз
фаровонлиги, элимиз тинчлигини
янада зиёда қилсин.

Истиқлолимизнинг нурафшон
ёғдуси қалбларимизни
мунаввар айлайверсин!



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи

**Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ**

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Электрон почта:
thaqiqat@mail.uz

Телефонлар:

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

233-58-85 (факс)
233-70-10
233-79-96
233-12-83, 233-38-23, 233-48-08
233-81-21, 233-65-59
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида
2011 йил 12 январда
03-001 рақами билан
руйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Назоратчи мусаввир
Қумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ